

Сени нима йиғлатмоқда?



14:30 / 07.05.2022 9114

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху ўзларига ва мусулмонларга берилган неъматлар масъулиятидан ҳам юқори даражада хавфда бўлар эдилар. У кишида мол-дунё ила фахрланиш ўрнига унинг шукрини келтира олмасликдан, у билан ҳовлиқиб кетишдан хавф бор эди.

Имом Байхақий Мисвар ибн Махрама розияллоху анҳудан ривоят қилади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳуга Қодисия ўлжаларидан бир тўп ўлжа келди. У уларни ағдариб кўриб, уларга назар солиб, йиғлай бошлади. Абдурраҳмон ибн Авф у билан бирга эди. Абдурраҳмон унга:

«Эй мўминларнинг амири! Бугун хурсандлик куни. Бугун сурур куни», деди.

У: «Тўғри. Аммо манави қай бир қавмга берилса, албатта, адоват ва ёмон кўришни қолдирган», деди».

Имом Аҳмад, Баззор ва Абу Яъло Абу Синон Дуалийдан ривоят қиладилар:

«У киши Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг олдига кирса, бир гуруҳ аввалги муҳожирлар билан ўтирган экан.

Умар занбил ёки жундан тўқилган идишга ўхшаш сафат номли идишни олиб келишга одам юборди. У Ироқ қалъасидан олиб келинган бўлиб, ичида узук бор эди. Боласи узукни олиб, оғзига солган эди, Умар ундан тортиб олди ва йиғлай бошлади. Унинг олдидагилар:

«Сени нима йиғлатмоқда? Аллоҳ сенга фатҳни берган, душманингдан устун қилган ва кўзингни қувонтирган бўлса», дедилар.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Кимга дунё фатҳ қилинса, албатта, Аллоҳ азза ва жалла уларнинг орасига қиёматгача адоват ва ёмон кўришни солади»**, деганларини эшитган эдим. Мен ана шундан кўрқяпман», деди Умар».

«Рухий тарбия» китоби асосида тайёрланди.